



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 20 сентябрь, шанба, №100 (3601).



КУН РАҚАМИ

VIII Жаҳон ва анъанавий динлар раҳ-
барлари съездиди 60 мамлакатдан
100дан зиёд делегация иштирок этди.

>>> Президент

“АСТАНА ТИНЧЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ-2025” ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

KASSYM-JOMART
TOKAYEV

Kazinform. Астанадаги Мустақиллик саройида Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VIII Съездига яқун ясади.

Бир неча кун давомида пойтахтимиз турли маданият ва тамаддун вакиллариининг мулоқот майдонига айланди. Динлари, урф-одатлари ва анъаналари турлича бўлса-да, уларни бирлаштирган мақсад – тинчлик, барқарорлик ва инсоний қадриятларни юксалтириш бўлди.

– Меҳмонларимизнинг қалблари турлича бўлса-да, ниятлари, шубҳасиз, бир. Съезднинг яқуний декларацияси бунинг ёрқин далилидир. Хужжатда умумий ғоя ва тақлифлар ўз аксини топган. Биз ҳўрмат ва қадр-қимматга асосланган амалий мулоқотга гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, диний етакчилар умумий манфаатлар йўлида кучларини бирлаштиришга тайёр эканликларини кўрсатдилар, – деди Қ. Тўқаев.

Президент таъкидлаганидек, ҳақиқий донолик амалий мулоқот орқали намоён бўлади. Шу маънода VIII Съезд бутун дунёга диний етакчиларнинг узоқни кўра билиш ва заковат намунасини намоиш этди.

Анжуман якунида қабул қилинган

“Астана тинчлик декларацияси-2025” Съезднинг энг муҳим ҳужжати айланди. Унда дунё динлари вакиллариининг тинчликини мустаҳкамлаш, инсоният олдида турган дунёвий муаммоларга биргаликда ечим топиш йўлидаги умумий қарашлари муҳассам этилди.

Декларацияда диний етакчиларнинг:

- * деструктив мафкура ва зўравонликни қатъий қоралаши,
- * ижтимоий тенгсизлик ва камбағалликка қарши кураш зарурлиги,
- * барчага тенг жамият қуриш йўллари,
- * табиатни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши чоралар,
- * янги технология ва сунъий идрокдан масъулиятли фойдаланиш каби масалаларга муносабати ўз аксини топди.

Қ. Тўқаев ўз нутқида диний дипломатиянинг аҳамиятига алоҳида ургу берди:

– Анжуман кўрсатиб берди: динлар ва маданиятлар ўртасида мулоқотни ривожлантириш, ҳамкорликни

кучайтириш инсониятнинг умумий келажаги учун жуда муҳимдир. Сизлар дунёга маънавий йўл-йўриқ ва инсонпарварликка хос қадриятларни етказмоқдасизлар. Бу – янги ва адолатлироқ дунё тартибини қуришда қимматли ҳиссадир, – деди Президент.

Астанада илк бор ўтказилган “Ёш диний етакчилар анжумани” эса Съезднинг янгича йўналиши бўлди. Ушбу майдон ёшлари ҳам дунёдаги мулоқот ва ҳамжиҳатлик жараёнларида фаол иштирок этишга тайёр эканлигини кўрсатди. “Бу – тинчликнинг келажақ авлодга ҳам мерос бўлиб қолишидан далолат”, дея таъкидлади Давлат раҳбари.

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ВАЗИФАСИ

Президент сўзларига кўра, Съездни қабул қилиш Қозоғистоннинг тинчликпарвар сиёсатини ва Марказий Осиё минтақасининг дунёвий мулоқотдаги аҳамиятини яна бир бор намоён қилди.

– Тинчлик – бизнинг энг катта бойлигимиз. У барча халқлар учун умумий қадрият. Фақат тинчлик ва барқарорлик ёруғ келажақнинг мустаҳкам кафолати бўлиши мумкин, – дея сўзини якунлади Қ. Тўқаев.

Бугун – ўзбек тили.

маданияти ва анъаналари кун

Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, бирлик, этнослараро ҳамжиҳатлик ва тотувликнинг мустаҳкамлиги Қозоғистон халқи Ассамблеясининг, қолаверса, турли даражадаги этномаданият бирлашмаларининг кенг қамровли фаолияти билан боғлиқ. Бу ишга “Дўстлик” ҳамжамияти, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси, унинг жойлардаги бўлимлари ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари кун – бу Қозоғистонда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг умумий байрами, десак муболаға бўлмайди. Чунки тил – миллатнинг руҳи, маданият эса унинг кўзгуси. Ҳар бир халқнинг тили ва маданиятига эътибор бериш, унинг урф-одатларини асраб-авайлаш – кўп миллатли Қозоғистоннинг умумий ютуғидир.

Шу маънода айтиш мумкинки, бу кун – тарихга ҳўрмат, келажакка ишонч, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамзидир.

УРФ-ОДАТЛАР ВА АНЪАНАЛАР – МАЪНАВИЙ МЕРОС

Халқимиз асрлар давомида шаклланиб келган маданий меросга эга. Меҳмондўстлик, каттага ҳўрмат, кичикка иззат, оилавий қадриятларга содиқлик – бу фазилатлар нафақат ўзбекларга, балки бутун қўшни халқларга ҳам яқиндир. Қадимий урф-одатлар ва маҳаллий жамоатчилик тизими, этномаданият бирлашмалари, жамоатчилик кенгашлари ва турли жамоат ташкилотлари жамиятни бирлаштириб келаётган муҳим ижтимоий омил ҳисобланади.

Ўзбеклар мамлакатимиздаги энг йирик этнослардан бири сифатида иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бунинг замирида эса давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар, халқлар ўртасидаги самимий дўстлик бор.

АССАМБЛЕЯ – БИРЛИК ТИМСОЛИ

Юртимизда Қозоғистон халқи Ассамблеяси таркибидидаги этномаданият бирлашмалари томонидан кенг қамровли маданий тадбирлар ўтказилмоқда, миллий матбуот наشرлари, бадиий китоблар чоп этилиб, турли тиллар янада бойиб, тараққий этиб бормоқда.

Шу билан бирга, ўзбек ёшлари давлат тилини ҳам чуқур ўрганиб, икки тиллилик орқали янги имкониятларга йўл очмоқда. Бу эса давлат сиёсатидаги “бирликда турфа хиллик” тамойилининг ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари кун – барчамиз учун умумий байрамдир, бу кун халқларни бирлаштиради, миллатлар дўстлигини мустаҳкамлайди ва Қозоғистоннинг



Тўй ва маросимлардаги анъанавий удувлар, миллий либослар ва халқ оғзаки ижоди намуналари бугун ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Масалан, “Асалом, Наврўз!”, деб баҳорни қарши олиш, “Сумалак” тайёрлаш маросими ёки “Ҳосил байрами” каби анъаналар халқни бирлаштирувчи маънавий кўприқдир.

тинчликка асосланган сиёсатини яна бир қарра намоён этади.

Миллатлараро дўстлик – бу кўпмиллатли халқимизнинг қимматбаҳо мероси. Уни асраб-авайлаш, авлоддан-авлодга етказиш ҳар биримиз учун муқаддас бурчдир.

ТАҲРИРИЯТ.

>>> “Қозоғистон -2050”

Милоддан аввалги III асрдан эраимизнинг XVI асрига қадар қарийб ўн уч аср мобайнида Ипак йўли Шарқ ва Ғарбни боғлаб турди. Қарвонлар баланд тоғлардан ошди, сарҳадсиз чўллари кесиби ўтди, сувсизлик ва кўчманчилар ҳужумларига қарамасдан йўлни давом эттирарди.

Қадимий халқаро транспорт қон томири вазифасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта ер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўли савдо-сотиқ алоқаларини, қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга ҳам хизмат қилган, янги технология ҳамда ишланмаларнинг тез тарқалишида, шунингдек, илм-фан ва маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажаргани тарихдан маълум.

Буюк Ипак йўли орқали:

- * Шарқ ва Ғарб бир-бирини кашф этди.
- * Хитой ҳам, Марказий Осиё ҳам жаҳонга очилди.
- * Турли халқлар маданиятида ўхшашлик пайдо бўлди.
- * Илм, фан, дин ва технологиялар тарқалди.
- * Будда Ҳиндистондан Хитойга қадар кенгайди.
- * Халқлар миграцияси, турмуш тар-

ИНСОНИАТ ТАРИХИНИ ЎЗГАРТИРГАН МАЪНАВИЙ КЎПРИК



зи ва урф-одатлар алмашинуви юз берди.

Бир сўз билан айтганда, бу йўл инсоният тамаддунининг янги қиёфасини шакллантирди.

ИПАК ЙЎЛИ БУГУНГИ КУНДА

Ҳозирги даврда денгиз йўллари ва ҳаво қатнови савдода етакчи ўринни эгаллади. Аммо сўнгги йилларда темир йўл ва автомобиль йўллари орқали Евроосиё мамлакатларини боғлаш ғояси янада кучаймоқда. Зеро, денгиз йўллариининг экологик таъсири ва узоқ муддат талаб қилиши инсониятни яна қитъа орқали йўлга юзланишга ундамоқда.

Қозоғистон бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Тарихий Ипак йўли руҳи қайта жонланмоқда. Қарвонлар ўрнини темир йўлдаги поездлар, юк машиналари ва ҳаво қатновлари эгаллаган,

аммо мақсад ўша – халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

ЯНГИ ДАСТУРЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ИСТИҚБОЛ

ЮНЕСКОнинг “Silk Roads: the Routes Network of Chang'an-Tianshan Corridor” номли маданий мерос йўналиши 2014 йилда Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларини ўз ичига олган ҳолда Буюк Ипак йўлининг тарихий трассалари сифатида Жаҳон Мероси (World Heritage Site) рўйхатидан ўтди.

Хитойнинг “Belt and Road Initiative” (Ипак йўлининг замонавий иқтисодий ва савдо алоқаларига бағишланган ташаббуси) доирасида темир йўллар, портлар, тиббиёт, рақамли технология ва инфратузилма соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Парижда ўтказилган ЮНЕСКО Бош конференциясининг XXIV сессиясида 10 мамлакат ташаббуси билан “Буюк Ипак йўли”ни ўрганишга қаратилган қарор қабул қилинган, бу лойиҳа Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихини кенг қамровда тадқиқ этган. Айрим Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон, Шри-Ланка, Япония) “Буюк Ипак йўли”ни ўрганиш бўйича махсус илмий институтлар ташкил этилган.

Буюк Ипак йўли халқлар ўртасидаги маданий, фан ва иқтисодий алоқаларнинг узилмас кўприги. Ҳозирги дунёвийлашув даврида ушбу кўприк яна бир бор тикланмоқда – у орқали нафақат давлатлар, балки миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва тинчлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Сўнгги йилларда фақат Европа мамлакатларигина эмас, балки АҚШ ҳам “Буюк Ипак йўли” лойиҳасига қизиқиш билан қарамоқда. АҚШ Сенати томонидан тайёрланган “Буюк Ипак йўли – XXI аср” Қонун лойиҳаси фикримиз далилидир.

Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ташаббуси билан дунёга чиқадиган йўллари кўпайтиришдан мақсад – мамлакатимиз иқтисодий

равнақини таъминлаш ва пировардида халқимиз фаровонлигини ошириш, республикамизнинг жаҳондаги илгор давлатлар сафидан ўрин олиши учун мустаҳкам замин яратишдан иборат.

Буюк Ипак йўлининг мероси ва унинг замонавий ифодаси – халқларнинг фаровонлиги, маданият ва билим бойлигининг сақланиши ҳамда дунё саҳнасидаги муносиб ўрнини мустаҳкамлаш йўлидир.

“Қозоғистон-2050” стратегиясида ҳам айнан мана шу тамойил – Шарқ ва Ғарбни, Яқин ва Узоқ мамлакатларни боғловчи замонавий “Ипак йўли”ни янгича шаклда ривожлантириш муҳим устувор йўналиш сифатида белгиланган. Транспорт-логистика марказига айланиш, транзит салоҳиятини ошириш, инновацион технология ва рақамли иқтисодиётни жорий этиш орқали мамлакат Евроосиё микёсида интеграция жараёнларининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бу мамлакат иқтисодиёти равнақи, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган қудратли маънавий кўприкни янада барқарор қилишга хизмат қилади.

А. АБДУФАТТОҲ.

ТУРКИСТОН – САРМОЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШИДА



Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров минтақа тадбиркорлари билан учрашиб, Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг 2025 йилги Мақтубида белгиланган вазифаларни амалга оширишга чақирди.

Учрашувда сармоявий муҳитни яхшилаш, ишлаб чиқаришни ранг-баранглаштириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳоким таъкидлаганидек, 2025–2028 йилларда минтақада умумий қиймати 2,5 триллион тенгени ташкил этувчи 111та йирик сармоявий лойиҳа амалга оширилади, бу эса қарийб 24 минг янги иш ўрини яратиш имконини беради.

Н. Кўшеров тадбиркорларни жаҳон бозори талабига мос янги ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйишга, Президент Мақтубида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишда фаол иштирок этишга чорлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»»Президент ташаббуслари – ҳаётга!

МАКТУБ МОҲИЯТИ БАЁН ЭТИЛДИ

Арис шахрида мамлакат тараққиётининг янги босқичини белгилаб берган ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали” номли Мақтубининг моҳиятини тушунтиришга бағишланган учрашув ўтди.

Тадбирда вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов, вилоят маслаҳати депутати Ержан Қўсамбетов, М. Аюзов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети доценти Ермек Бекбўсинов,



шунингдек, шаҳар маслаҳати депутатлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Йиғилишда Мақтубда белгиланган устувор йўналишлар – иқтисодиётга сармоя жалб қилиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини замонавий асосда ташкил қилиш, транспорт-логистика, сайёҳлик салоҳиятини ошириш, уй-жой коммунал хўжалиги ва сув инфратузилмасини янгилаш, рақамли ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда инсон капиталига эътиборни кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Нурали Абишов ўз нутқида таъкидлаганидек, Мақтуб мамлакатимиз тараққиётининг йўл харитасидир. У барчани ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга чорлади.

Шунингдек, маслаҳат раиси Президент ислохотларида баён этилган 7 йўналишга тўхталди. Тадбир якунида иштирокчилар Президент Мақтубида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ҳамжиҳатлик ва масъулият билан меҳнат қилишга тайёр эканликларини маълум қилишди.

Туркистон вилоят
маслаҳати.

ЖАНУБДАН ШИМОЛГА: ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

ТАРИХДАН САБОҚ

Ҳар бир давр ёшларнинг куч-қувватини тўғри йўналтиришга алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, собиқ Иттифоқ даврида бу масала коммунистик партия учун устувор вазифа бўлган. Хусусан, ёшлар кўрик ерларни ўзлаштириш, ГЭСлар барпо этиш, янги шаҳарлар қуриш каби улкан лойиҳаларга жалб этилган. Қозоғистонда ҳам минглаб гектар ҳудудларда кўрик ерлар ўзлаштирилган, янги шаҳар ва қишлоқлар қад ростлаган.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий йилги Мақтубида ёшларга улкан ишонч билдирди.

– Ёшлар юртни севиш – халққа манфаатли янгилик яратиш, янги иш бошлаш деб ҳисоблайди. Улар юртимизни ривожланган замонавий давлат сифатида кўришни истайди. Илғор технологияларни ўзлаштириб, халқимизни тараққийпарвар миллатлар қаторига қўшишни истайди.

Ёш авлод онгидаги ватанпарварлик – келажаққа чин дилдан интилишдир. Бу – жамият онгида кечаётган ўзгаришларнинг яққол ифодаси. Мен буни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Ёшларнинг салоҳиятига ақлу заковатига ишонаман, – деди Давлат раҳбари.

ҚОЗОҒИСТОН ТАЖРИБАСИ

Бугун Қозоғистонда ҳам давлатимиз тарихий тажрибадан хулоса чиқариб, демографик ва иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида жанубдан шимолга кўчириш дастурини амалга оширмоқда. Чунки шимолий ҳудудларда аҳоли камаймоқда, айрим қишлоқлар бўшаб қолмоқда. Шу билан бирга, бу ҳудудларда катта иқтисодий имкониятлар – ҳосилдор ерлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланиш салоҳияти мавжуд.

Давлатимизнинг “Серпін” дастури ёшларни шимолий вилоятларда ўқишга ва ишлашга жалб қилади. Янги уй-жой, иш ўринлари, имтиёзлар тақдим этилади.



Бу – ёшлар учун янги ҳаёт, янги имконият, мамлакат учун эса демографик барқарорлик ва иқтисодий ўсишдир.

Шу маънода, Қозоғистондаги бу сиёсатни қўллаб-қувватлаш – ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчи ҳамдир. Чунки тарих кўрсатдики, ёшларнинг куч-қувватини фойдала меҳнатга йўналтирган халқлар барқарор ва фаровон ҳаётга эришган.

Ҳозирги кунда шимолга кўчиб борган ёш оилаларнинг тажрибаси – келажақ авлод учун ибрат. Улар янги уй қурмоқда, ердан ҳосил олмоқда, фарзандларини тарбия қилмоқда. Демак, бу сиёсатнинг самараси барқарор ва узоқ йилларга мўлжалланган.

ҚР Парламенти Сенати депутати Алишер Сотволдиевнинг фикрича, кўчиш жараёнида ижтимоий ва иқтисодий тўсиқларни енгиллаштириш, аниқ маълумотлар бериш, тушунтириш ишларини кучайтириш зарур. Ушбу ташаббусни мактаб ўқувчилари ўртасида тарғиб қилиш, уларга келажақдаги имкониятларни кўрсатиш ҳам муҳим вазифа.

«СЕРПІН» ДАСТУРИ – КЕЛАЖАҚКА ЙЎЛЛАНМА

Замон ўзгармоқда, имкониятлар кенгаймоқда. Бугун ҳар бир ёш билимли

бўлишни, яхши мутахассис сифатида ҳаётда ўз ўрнини топишни орзу қилади. Лекин бунинг учун шарт-шароит керак. Шу маънода, Қозоғистонда амалга оширилаётган “Серпін” дастури – келажақ эшигини очган, минглаб ёшлар ҳаётида янги саҳифа бошлаган лойиҳа ҳисобланади.

Дастурнинг асосий мақсади – аҳоли зич жойлашган ҳудудлардаги ёшларни шимолий вилоятларга ўқиш ва меҳнат қилиш учун жалб этишдир. Бу – бир томондан ҳудудлар тараққиёти, иккинчи томондан ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини топиши учун катта имконият. Шимолда саноат, қишлоқ хўжалиги ривожланган, ишчи қўлларга эҳтиёж юқори. Шу билан бирга, у ердаги университетларда мутахассисликка талаб юқори ва грантлар кўп.

“Серпін” дастури ўқиш имкониятини, келажақда иш билан таъминланиш, уй-жойга эга бўлиш, янги муҳитда ўзини синаш каби афзалликларни беради. Бу орқали ёшлар билим олади, мустақил ҳаётга қадам қўяди, янги дўстлар, янги орзуларга эга бўлади.

Шоҳиста ТОШПҲЛАТОВА.

»»Президент Мақтуби – амал дастури

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ



ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг «Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали» мавзuidaги Қозоғистон халқига Мақтуби мамлакатимизнинг келгусидаги тараққиёт йўналишини белгилаб берди. Бугунги кунда сунъий идрок ва рақамли технологиялар дунё тараққиётининг асосий омилига айланмоқда. Қозоғистоннинг дунёвий рақобатда муносиб ўрин эгаллаши, инновацион иқтисодиёт барпо этиши айнан шу соҳадаги ташаббусларга боғлиқ.

Мақтубда белгиланган устувор вазифалар – рақамли инфратузилмани ривожлантириш, таълим тизимини замон талабига мослаштириш, айниқса, ёш авлодда рақамли саводхонлик ва илмий ижодкорликни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мазкур ўзгаришлар келгусида янги авлод мутахассисларини тайёрлаш, рақамли иқтисодиётда юксак натижаларга эришиш учун мустаҳкам замин яратади.

Шу билан бирга, сунъий идрок имкониятларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва миллий манфаатларни таъминлаш масаласи ҳам долзарб эканлиги таъкидланди. Бу йўналишда давлат органлари билан бирга жамият, илм-фан ва бизнес ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Президентнинг мазкур Мақтуби Қозоғистонни янги рақамли босқичга олиб чиқиш, мамлакатимизни сунъий идрок даврининг илғор давлатлари қаторига қўшиш йўлидаги дастуриламал ҳужжат ҳисобланади. Бу барчамиздан фаоллик, билимга интилиш ва янгича фикрлашни талаб этади.

Мақтубда сиёсий ислохотлар қаторида бир палатали Парламентга ўтиш масаласи ҳам айтилди. Бу ташаббус қонун чиқарувчи ҳокимият самарадорлигини ошириш, ортиқча қоғозбозлик, расмиятчиликни қисқартириш ва халқ билан Парламент ўртасидаги мулоқотни соддалаштиришга қаратилган. Бир палатали Парламент тизими мамлакатда қонунларни тезкор қабул қилиш, масъулиятни аниқлаш ва демократик жараёнларни кучайтириш имконини беради. Шу билан бирга, халқнинг ташаббуслари ва тақлифларини амалдаги қонунчиликда ифода этиш жараёни енгиллашади.

Шамхат ХОЛМУРОДОВ,
Сайрам туман маслаҳатининг раиси.

МУҲИМ ҲУЖЖАТ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг жорий йилги «Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали» Мақтуби мамлакатимиз тараққиёти йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Унда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга ошириш, шунингдек, жамиятда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва миллий қадриятларни асраб-авайлаш каби долзарб масалалар қамраб олинган.

Мақтубда сунъий идрокни жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшлар учун рақамли таълим имкониятларини кенгайтириш вазифалари белгиланди. Шу билан бирга давлат тилини ўқитиш дастурлари ҳамда этномаданий меросни рақамлаштириш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Мақтубда эътибор қаратилган яна бир муҳим масала – келгусида мамлакатимизда бир палатали Парламентни шакллантириш ҳақида алоҳида сўз юритилди.

Бу сиёсий ислохот таркибида турли этнос вакилларининг Парламент фаолиятида фаол иштирокини таъминлайди.

Шу билан бирга, Президент аҳоли даромадини ошириш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасини ривожлантириш, қишлоқлардаги инфратузилмани яхшилаш, ижтимоий адолат тамойилларини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу инсон қадрини улғулаш, барчага тенг имкониятлар яратиш ва жамиятда адолатни қарор топтиришга хизмат қилади.

Ғанишер РАИМКҲЛОВ,
Сайрам туман маслаҳати депутати,
туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

ЯНГИ УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Мақтубида рақамли тараққиёт, иқтисодий барқарорлик ва мамлакатнинг ижтимоий тараққиёти учун муҳим стратегик йўналиш белгилаб берилди. Ҳужжат экология, ижтимоий соҳалар, маданиятга оид долзарб масалаларни қамраб олди.

“Қозоғистон уч йил ичида тўлиқ рақамли давлатга айлантирилиши керак. Кенг қамровли рақамлаштириш ва сунъий идрок технологиясини жорий этиш асосида иқтисодиётни рақамлаштиришимиз даркор. Бунинг учун, биринчи навбатда Рақамли Кодексини имкон қадар тезроқ қабул қилиш зарур”, дея таъкидлади Давлат раҳбари.

Мақтубда сунъий идрок ва рақамли тараққиёт вазирлигини ташкил этиш тақлиф этилди. Бундан ташқари, сунъий идрок асослари мактаб ўқув дастурларига киритилади.

Президент сунъий идрокнинг имкониятлари ва эҳтимолий хавфларига эътибор қаратди.

Бу ташаббуслар ёш авлоднинг бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлаш учун муҳим. Мақтубда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун ягона миллат сифатида саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз керак.

Соҳибжамол ҚҲҲОНОВА,
М. Аюзов номидаги Жанубий Қозоғистон университети “Сиёсатшунослик” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Инсоният тараққиёти қанчалик жадал суръатларда илгариламасин, унинг тақдири барибир абадий қадриятлар – Ватан, халқ, миллат, тил ва дин билан чамбарчас боғлиқдир. Бу қадриятлар инсон яратилган даврдан эътиборан унинг ҳаётига ҳамроҳ бўлиб, маънавий таянч сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Ҳар бир шахснинг қадр-қиммати, шаъну шарафи ва ғурури ана шу муқаддас манбалар орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам тарихда кўплаб босқинчи ва мустамлакачи кучлар аввало миллатнинг маънавий устунларини – тилини, динини, маданиятини йўқотишга, унинг ғурурини сўндиришга уринишган.

ЭЪТИҚОД КЎЗГУСИ – ҚАДРИЯТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ



ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Юртимизда 130 йилдан зиёд давом этган мустамлакачилик даври бунга ёрқин мисол бўла олади. Шу даврда халқимизнинг кўпгина қадриятлари қатори динимиз ҳам қаттиқ тазйиққа учради. Масжид ва мадрасалар вайрон этилди, муқаддас китоблар йўқ қилинди, уламолар ва дин пешволари таъқибга олинди. Бу йўл билан халқнинг маънавий асосларини издан чиқариш, уни ўзигидан айириш режаси амалга оширилди.

Бироқ бу сиёсат қутилган натижа бермади. Чунки халқимизнинг ирода-си, ички маънавий куч-қуввати барча сунъий тўсиқлардан устун келди. Халқимизнинг юрагида асрлар давомида шаклланган эътиқод ва анъаналарни йўқотиш мумкин эмас эди.

МУСТАҚИЛЛИК – МАЪНАВИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ

1991 йилда кўлга киритилган мустақиллик бундай адолатсизликларга нукта қўйди. Ҳар томонлама кенг кўламли ислохотлар жараёнида миллий қадриятларимиз қайта тикланди, халқнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланди. Динимизга муносабат ўзгариб, диний таълим муассасалари, масжид ва мадрасалар қайта очилди. Урф-одат ва анъаналаримиз яна халқ ҳаётига кириб келди.

Шу билан бирга, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш ва янги демократик жамият қуриш жараёнида диннинг ўрни ва аҳамияти мувозанатли йўл билан таъминланди. Бу эса нафақат маънавий ҳаётни бойитди, балки ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро тотувликка ҳам замин яратди.

БУГУНГИ КУН ВА ИСТИҚБОЛ

Янги Қозоғистон тараққиёт дастурида миллий қадриятларни асраб-авайлаш, маънавий меросни авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ушбу қадриятларсиз демократик давлат қуриш, фуқароларнинг онг ва тафаккурини юксалтириш мумкин эмас.

Миллий қадриятлар инсоннинг ўзлигини белгилайди, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, бағрикенглик туйғуларини уйғотади. Шу маънода, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва уларни замон талабларига мос уйғунлаштириш – бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

ДИН ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ МУВОЗАНАТИ

Дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар инсоният тарихи давомида жамият ҳаётининг маъно-мазмунини белгилаб келган муҳим омиллардан ҳисобланади. Айрим даврларда дав-

лат ишларига дин ва диний ташкилотлар ҳаддан ташқари аралашиб кетиши натижасида илм-фан тараққиётини сусайтиргани тарихдан маълум.

Масалан, ўрта асрлар Европасида черков инквизициясининг кучайиши натижасида маърифатпарвар олимлар таъқиб этилди, жаҳолат авж олди. Бошқа бир ҳолатда эса, дин бутунлай четга сурилган жамиятларда ҳам адолатсизлик ва маънавий қашшоқлик юзага келган. Чунки дин – бу халқнинг тарихи, маданияти ва маънавияти билан узвий боғлиқ қадриятдир.

Бугунги кунда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатда дин ва давлат муносабатлари оқилона йўл билан тартибга солинмоқда. Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилганидек, давлат диний ташкилотлар ишларига аралашмайди. Ҳар бир фуқаро қайси динни танлаши ёки умуман динсиз бўлиши иннинг шахсий вилжонини иши ҳисобланади.

Бироқ бу, дин жамият ҳаётидан четлатилди, дегани эмас. Аксинча, қонун доирасида диний ташкилотлар ва диндорлар жамият тараққиётида фаол иштирок этмоқда. Масжидлар, мадрасалар, диний таълим муассасалари эркин фаолият юритмоқда.

Давлат ва дин ўртасидаги бундай ҳуқуқий асосланган муносабат жамиятда тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда. Улар умумий мақсад – Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида биргаликда ҳаракат қилади.

Шу маънода, дин ва давлат муносабатларининг демократик асосда ривожланиши маънавий янгила-нишга, ижтимоий ҳамжиҳатликка, миллатлараро тотувликка ҳам мустаҳкам замин яратади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИ ВА ДИН: МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда миллий истиқлол мафқураси билан динимиз ўртасидаги муносабатлар ҳамкорлик ва уйғунлик асосида ривожланаётгани эътиборга лойиқ.

Аввало, ислом дини мустақиллиқни Аллоҳнинг беқиёс неъматини сифатида талқин қилади. Унинг асраб-авайла-ниши, мустаҳкамланиши ҳар бир юртдошимиз учун муқаддас бурч экани таъкидланади. Зеро, муборак ҳадисда айтилганидек: “Ватанни севмоқ – имондандир”. Бу ҳикматли сўзларда она юртга муҳаббат инсон ҳаётининг маънавий моҳиятини белгилаб берувчи буюк ҳақиқат мужассам.

ВАТАН ВА ИМОН УЙҒУНЛИГИ

Ватанни севиш – уни ҳар қандай хавф-хатардан асраш, ҳар бир қарич заминини покиза сақлаш, унинг равнақи учун фидойилик билан хизмат қилиш демакдир. Истиқлол ғояси ҳам ана шу тамойиллардан озуқаланади. Бу борада у, айниқса, ота-боболаримиз асрлар давомида эътиқод қилиб келган ислом динидан илҳом ва маънавий қувват олади.

МУШТАРАК ҲОЯЛАР

Истиқлол ғоясидаги комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенглик каби тамойиллар ислом таълимоти билан уйғунликда намоён бўлади.

Ислом фалсафасида комил инсон ғояси алоҳида ўрин тутади. Шарқ мутафаккирлари, шоир ва файласуфлари асрлар давомида айнан шу ғоя асосида асарлар яратганлар. Шунингдек, Қуръони карим ва ҳадисларда ҳам ижтимоий ҳамкорлик, миллатлар ва динлар ўртасидаги тотувлик, бағрикенглик, сабр-қаноат каби фазилатлар чуқур асослаб берилган.

Ҳар саҳифасида инсонни меҳр-шафқатга, бирдамликка, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликка чорловчи оятлар ва ҳадисларга дуч келиш мумкин. Бу эса динимиз билан миллий истиқлол ғояси ўртасидаги муштарак мақсадлар учун мустаҳкам пойдевордир.

Бугунги ҳаётимизда бу уйғунлиқнинг самарасини яққол кўриш мумкин. Истиқлол ғояси аҳолини ватанпарварлик, фидойилик, огоҳлик ва ҳушёрлик руҳида тарбияламоқда. Шу билан бирга, динимиз ҳам инсонларни инсоф ва диёнатга, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка чорлаб, жамиятда маънавий барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

ДИН ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

Бугунги эркин ва мустақил ҳаётимизда дин ва иқтисод муносабатлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ташқаридан қараганда бу икки йўналиш бир-бирига мутлақо зиддиятли туюлиши мумкин: дин маънавий қадриятларни, иқтисод эса моддий ҳаётни ифода-лайди. Аммо инсон ҳаётида маънавий ва моддий омиллар бир-бирисиз мавжуд бўла олмагани каби, дин ва иқтисод ҳам доимо чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ўз асарларида таъкидлаганидек, ижтимоий бозор иқтисодиёти шарқона ва исломий турмуш фалсафасининг юксак ғояларига, шунингдек, халқимизнинг тарихий тажрибаси ва ақл-заковатига тўла мос келади.

Аслида, юртимизда асрлар давомида шаклланган диний-фалсафий мерос иқтисодий ҳаётга ва унинг асоси ҳисобланган меҳнатга катта таъсир кўрсатиб келган.

Дин ва иқтисод муносабати фақат тарихий меросда эмас, балки бугунги ҳаётимизда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Тараққиёт йўлимизда иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги маънавий асослар билан уйғунликда таъминланмоқда. Чунки маънавий жиҳатдан баркамол инсонгина иқтисодий соҳада адолатли, ҳалол ва фидойи бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, диннинг фан ва таълим соҳалари билан муносабати ҳам жамият тараққиётида бекиёс ўринга эга. Буюк алломаларимиз ва

уламо-авлиёларимизнинг асарларида илм-маърифат масаласи доимо марказий ўрин эгаллаб келган. Хусусан, тасаввуф таълимотининг йирик на-мояндаларидан бири Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида инсоннинг маънавий камолоти билан бир қаторда илм ва маърифатга интилишини ҳам тарғиб этган. У киши учун ҳақиқий тақво фақат ибодат билан чекланмасдан, балки илм олиш, ақл-заковатни ривож-лантириш ва уни жамият манфаати йўлида қўллаш билан уйғунлашиши зарур эди.

Аҳмад Яссавийнинг мероси шунги кўрсаткич, бизнинг аجدодларимиз илмни шахсий камолот ва умумий маънавий-иқтисодий тараққиётнинг ҳам асосий шартларидан бири сифатида кўрганлар.

Шу маънода, дин ва иқтисод, илм ва маънавиятнинг уйғунлиги нафақат тарихий меросимиз, балки бугунги истиқлол давридаги ҳаётимизнинг ҳам мустаҳкам пойдеворидир.

ЖАҲОН ВА АНЪАНАВИЙ ДИНЛАР РАҲНОМОЛАРИ СЪЕЗДИ – ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МИНБАРИ

Жаҳон ва анъанавий динлар раҳномолари съезди илк бор 2003 йил 23-24 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикасининг Тўнгич Президенти Нурсултан Назарбаев ташаббуси билан қақирилган эди.

2003 йил 13 февралда бўлиб ўтган “Тинчлик ва тотувлик” халқаро анжуманида Элбоши турли дин вакиллари, хусусан, христиан, мусулмон ва яҳудий ташкилотлари иштирокчилари олдида сўзга чиқиб, Қозоғистонда Жаҳон ва анъанавий динлар раҳномолари съездини ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Бу таклиф турли дин, маданият ва халқларни яқинлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Съезд ғоясини илк қўллаб-қувватлаганлардан бири Ватиканда Қозоғистон Президентининг расмий ташрифи чоғида Католик черкови вакиллари бўлди.

СЪЕЗД МАҚСАДЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

- Динларнинг турли шаклларида ифодаланган умуминсоний қадриятларни излаб топиш;
- Динлар ўртасида мулоқот йўлга қўйиш ва келишилган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи доимий халқаро майдон яратиш;
- Халқаро ва динлараро мулоқот анъаналарини ривожлантириш;
- Кейинги съездлар учун ғоя ва концепцияни тайёрловчи доимий орган фаолиятини йўлга қўйиш;
- Динлар, маданиятлар ва тамаддунлар ўртасида мулоқотни кучайтиришга қаратилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- Ёшлар иттифоқлари, ОАВ, илмий ва ижодий зиёлиларни жалб этган ҳолда маданий ва диний мулоқотни кенгайтириш;

- Диний жамоалар ўртасида ўзаро англашув ва ҳурматни мустаҳкамлаш;
- Бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат маданиятини ривожлантириб, нафрат ва экстремизм ғояларига қарши туриш;
- “Тамаддунлар тўқнашуви” деган зарарли назарияларни рад этиш, динларни сиёсийлаштиришга йўл қўймаслик;
- Динлар, маданиятлар ва тамаддунлар ўртасида дунёвий мулоқотни илгари суриш.

АСОСИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

- Тинчлик, тотувлик ва бағрикенгликни инсон ҳаётининг энг муҳим меzonлари сифатида мустаҳкамлаш;
- Турли дин ва эътиқодлар, миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликка эришиш;
- Инсонларнинг диний ҳиссиётларидан можааро ва урушларни қучайтириш йўлида фойдаланишга йўл қўймаслик.

СЪЕЗД ХРОНОЛОГИЯСИ

2003, 2006, 2009, 2012, 2015, 2018 ва 2022 йилларда пойтахт Астанада етти маротаба ўтказилган съездда ислом, христиан, яҳудий, будда, синтоизм, даосизм ва бошқа анъанавий динларнинг йирик диний арбоблари ҳамда вакиллари иштирок этдилар.

Съезд доирасида ўтказилган мулоқот майдонларида диний жамоаларнинг маънавий яқинлашуви юзасидан самарали баҳс-мунозаралар олиб борилди. Унинг натижасида жаҳон халқлари, давлатлари ва ҳукуматларига йўналтирилган Декларациялар ва Мурожаатлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда ўтказилган Динлараро ва тамаддунлараро мулоқот съездлари бутун дунё диний жамоаларини ягона мақсад – тинчлик ва тотувлик йўлида бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Турли дин вакиллари иштирокида олиб борилган мулоҳазалар ва баҳслар инсоният учун муҳим бўлган бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ғояларини янада мустаҳкамлади. Қабул қилинган декларациялар эса жаҳон халқларига ҳамжиҳатлик ва бирлик сари қаратилган амалдаги дастурий ҳужжатлар сифатида аҳамият касб этди. Шу тариқа, мазкур съездлар умуминсоний қадриятларнинг мулоқот майдони сифатида тарихга кирди.

Мухтасар қилиб айтганда, диннинг жамиятдаги турли соҳалар, жумладан иқтисод билан ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мустақил Қозоғистонда бугун амалга оширилаётган янгилашни ва ислохотлар ҳам ана шу йўналишда янги имкониятлар очиб бермоқда. Маънавият ва моддий тараққиёт уйғунлиги келажақ авлод учун барқарор ва фаровон ҳаёт бунёд этишнинг асосий шартидир.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

ЁШЛАР – ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Тўлебий туманида “Ёшлар ва маънавият” учрашуви ўтказилиб, унда ёшлар уюшмалари фаоллари, тадбиркорлар, партия ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Тадбирда ёшлар тарбияси, маънавий таҳдидлар ва миллий қадриятларни асраб-авайлаш масалалари муҳокама этилди.



»» Бизнинг мусоҳаба



– Гани Дўғдирбайули, Президентимиз “Қозоғистон–2050” стратегиясида таъкидлаганидек, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда катта ютуқларга эришди. Давлатимиз томонидан суд тизими-га қаратилаётган алоҳида эътибор сиз раҳбарлик қилаётган туман суди фаолиятида қандай намоён бўлмоқда?

– Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида эришган барча ютуқларимиз, йилдан-йилга мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши, аввало, юртимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор қадрият сифатида белгилангани билан бoғлиқ, десак янгилишмаймиз. Хусусан, амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг туб моҳиятида ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятдир, деган қонданнинг мазмуни акс этган.

Энг муҳими, ушбу ҳуқуқ тизими халқаро ҳуқуқнинг муҳим тамойилларига, ривожланган мамлакатларнинг илгор анъаналарига, турмушда ўзини оқлаган меъёрларга асосланади ва уларни ўзида мужассамлаштиради. Шубҳасиз, миллий ҳуқуқ тизимимизнинг асосини Бош Қомусимиз – Конституциямиз эгаллайди. Асосий Қомусимиз инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳуқуқий ҳал этишни сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Қозоғистон Республикасида Конституция бўйича, инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Зеро, давлатни жамиятсиз, жамиятни инсонларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, адолатли жамият давлат, жамият ва фуқаролар муносабатларида қонунийлик таъминлангандагина барпо бўлади. Бунинг учун ҳар бир инсон ҳуқуқий тафаккурга эга бўлиб, ислохотларда фаол иштирок этиши муҳим. Демак, юксак ҳуқуқий маданият қонунларга ҳам давлат органлари, ҳам фуқаролар қатъиян риоя қилгандагина шаклланади. Туман суди фаолиятига тўхталсак, тизимга қаратилаётган эътибор биздан катта масъулият талаб қилади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар бир судья қарор чиқаришда қонун ва виждонига суянамчи шарт.

– Бугунги ҳуқуқий ислохотлар жараёнида аҳолини ҳуқуқий билимлар билан таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига қандай эътибор қаратишмоқда?

– Ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда ҳуқуқий билимлар куни белгилашиб, бу кунда давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказиб бориш,

ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР – ИСЛОҲОТЛАР МЕЗОНИ

Сўнги йилларда юртимизда ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми – суд-ҳуқуқ тизими шаклланди. Мустақил суд маъмурияти бу жараёнда алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз томонидан 2020 йил 27 августда қабул қилинган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да суд маъмурияти мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган институтга айлантириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Суд маъмурияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмалардан, сиёсий партия ва жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда фаолият юритади. Судьялар фақат қонунга бўйсунди, уларнинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди. Бу ҳолат Бош Қомусимизда ҳуқуқий жиҳатдан қатъий кафолатланган.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар ҳам суд маъмурияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд ҳимоясининг самарадорлигини ошириш, суд қарорларини ижро этишининг самарали тизимини яратишга қаратилди.

Тўлебий туман суди раиси Ғани Байаристан билан суҳбатимиз мана шу мавзуга бағишланди.

аҳолини, хусусан ёш авлодни ҳуқуқий қўлланмалар билан таъминлаш учун ҳуқуқий кутубхоналар ташкил қилишни режалаштирмоқдамиз. Ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятнинг юксалиши ҳуқуқий демократик, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омили эканлиги маълум. Давлатимиз халқнинг эрки-иродасини қонун даражасига кўтариб, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари доирасини белгилайди. Бундан эса, мазкур жамиятнинг аъзолари ҳуқуқнинг субъектлари сифатида баҳраманд бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, юксак ҳуқуқий маданият – демократик давлат пойдевори ва ҳуқуқий тизим барқарорлигининг кўзгусидир. У ҳаётий жараёнларга таъсир кўрсатиб, фуқароларнинг жипслиги,

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, Суд тизими энди собиқ тузумда бўлгани каби жазоловчи идора эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институти сифатида шаклланиши керак!

Шу билан бирга, суд ҳужжатлари ва бошқа идоралар қарорларини ижро этиш ҳам суднинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Аммо аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиши натижасида мажбурий ижро дастагидан кўра ихтиёрий ижро дастагига эътибор ортиб бормоқда. Бу, асосан, қарздорларга тааллуқли.

Натижада ижро самарадорлиги ошади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончлироқ таъминланади ҳамда



жамиятнинг яхлитлиги ва тартибини таъминлайди.

Қонунга ҳурмат – ҳуқуқий давлатнинг асосий талаби, сиёсий ва ҳуқуқий тизимларнинг самарали фаолияти гаровидир. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотлар эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган.

Бу эзгу мақсадга эришишда демократик тамойилларнинг одамлар онига чуқур сингиши муҳим. Ислохотлар моҳиятининг марказида эса инсон манфаатлари туради. Шу боис ҳар бир фуқаро ҳуқуқий билим ва саводхонликка эга бўлиши зарур.

Мустақиллик йилларидан буён аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Комиллик калити юксак ҳуқуқий маданиятга эришишдир. Мамлакатимизда ёшларни илмли, юксак маънавиятли қомил инсонлар сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Юртимизда юксак ҳуқуқий маданиятли кишилар қанчалик кўп бўлса, қонун устуворлигига эришиш шунчалик осон бўлади.



одил судлов тизимига бўлган ишонч янада кучаяди.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ўтган йили маҳаллий оммавий ахборот воситаларида қатор мақолалар эълон қилдик, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказдик.

Йиғилишда таъкидланишича, мустақиллик йилларида ёшлар учун катта имкониятлар яратилди. Бугун мамлакатимизда замонавий университетлар, мактаблар, касб-хунар марказлари, спорт ва маданият масканлари барпо этилмоқда. Бироқ, Давлат раҳбари таъкидлаганидек: “Маънавият жамиятнинг йўл харитасидир.” Шу боис ёш авлодни миллий руҳда, ватанпарварлик ва бағрикенглик асосида тарбиялаш давлат сиёсати даражасида муҳим вазифа этиб белгиланган.

Маърузачилар ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар — ёт ғоялар, “оммавий маданият” ниқобида тарқалаётган бузғунчи таъсирлар, интернет тармоғидаги зўравонлиқни тарғиб қилувчи ўйинлар ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, бу хатарларга қарши маънавиятни мустаҳкамлаш, китобхонлиқни тарғиб этиш ва оила ҳамда мактабда соғлом муҳит яратиш ягона чора экани таъкидланди.

– Давр шиддат билан ўзгарипти, – деди туман фахрийлар кенгаши раиси Атирхан Шинғисбаев. – Усмирларнинг компьютерга қизиқиши ижобий ҳолат. Аммо интернетда тарқалаётган айрим ёт оқимлар ва фарибгарлар тузоғи ҳам йўқ эмас. Кимда Ватанга муҳаббат, иймон ва эътиқод мустаҳкам бўлса, ўзининг ўтмишини ҳурмат қилса, “оммавий маданият” тузоғига илинмайди.

Туман “Ёшлар имконият маркази” раҳбари Тимур Тастанов ҳам бағрикенглик масаласига тўхталди:

– Бағрикенглик – халқимиз руҳиятида чуқур ўрин олган қадрият. У инсоф ва адолат, ҳурмат ва эъзоз, сабр ва қаноат, меҳр ва кенгфеъллик билан уйғунлашади. Бошқа дин ва маданият вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, дўстлик ва биродарлиқни асраб-авайлаш ҳам унинг ажралмас қисми, – деди у.

Бағрикенглик, инсонпарварлик ва маънавий покликни ўзида мужассам этган ёшлар ҳеч қачон қалтис қадам қўймайди. Улар ёт оқимларга ҳам алданиб қирмайди, чунки қалбида Ватанга садоқат ва илмга чанқоқлик қарор топган бўлади. Инсоний қадриятлар ва замонавий билимларни ўзлаштирган ёшлар эса келажақда мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида қамол топади.

Учрашув доирасида меҳмонлар ёшлар раҳбарлик қилаётган корхоналар фаолияти билан ҳам танишдилар. Жумладан, Зертас қишлоғидаги Мирзағали Абдираимовнинг олмазори, Екпинди қишлоғидаги тадбиркор Усен Саурбаевнинг йилқичилик фермаси ва қимиз қадоқлаш цехида бўлиб, ёш тадбиркорларнинг ташаббусларига юқори баҳо берилди.

А. БҮРӨНБӨЕВ.



ҚР “Медиацця тўғрисида”ги Қонунни тушунтириш мақсадида туман түбе бийлари, ҚР Президентининг Мақтуби бўйича туман прокуратураси, туман қонун кенгаши вакиллари, туман адлия бошқармаси ва туман ички ишлар бўлими вакиллари билан давра суҳбати ўтказдик.

Шу билан бирга, фуқароларнинг Суд департаменти фаолияти билан яқиндан танишиши, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда поймол этилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш мақсадида янги ташаббуслар амалга оширилди. Жумладан, 2011 йилдан буён «Ёдёл» номли газета нашр қилина бошланиб, унда суд-ҳуқуқ

ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар олдини олиш ишларини кучайтиришдир.

Шу билан бирга суд тизимининг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Шу маънода, яқинда янги суд биноси қуриладиган ҳудудда қурилиш ишлари бошланди.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар пировардида адолат устувор, қонун ҳукмон бўлган жамиятни барпо этишга хизмат қилмоқда. Бундай ислохотлар халқимизнинг одил судлов тизимига бўлган

тизимидеги ислохотлар, ўзгаришлар ва янгиликлар мунтазам ёритиб келинмоқда. Газета бугунги кунда ҳам туман аҳолиси орасида ўз ўқувчиларига эга.

Яқинда туманимизда «Медиацця» кабинети очилди. Бундан кўзланган мақсад – низоларни судгача ҳал этиш,

ишончини мустаҳкамлаб, юртимизнинг демократик тараққиётида муҳим қадмалардан бирига айланмоқда.

– Мазмуни суҳбат учун ташаккур!

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

ЭЛ БИРЛИГИ ВА ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА...



МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ЖАМИЯТНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИГА ВА ДАВЛАТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Кейинги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Қозоғистон халқи Ассамблеяси амалга ошираётган тадбирларининг аҳамияти залворли.

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 34-сессиясида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳам иштирок этиб, ушбу тузилма ютуқлари ва истиқболдаги режаларини муҳокама қилди. Кўплаб янгилликларга гувоҳ бўлдик. Ассамблеянинг ўтмиши ва бугунига назар ташлаб, унинг мамлакат тарихидаги аҳамиятига юксак баҳо берилди.

Бу йил 1995 йил 1 мартда ташкил этилган Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги нишонланмоқда. Барқарорлик ва тинчлик тимсолига айланган ушбу ташкилотнинг юбилеи доирасида жорий йилда 150дан ортиқ тадбир ташкил этилди. ҚР «Дўстлик» ҳамжамиятининг 30 йиллиги ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Тароз шаҳри Қозоғистон республикасининг Жамбил вилоятида жойлашган. Ушбу қўҳна ва гўзал шаҳарда турли миллат вакиллари тинч-тотув умргузаронлик қилиб, ватан тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда. Ушбу вилоятда, шунингдек, Тароз шаҳрида истиқомат қилаётган миллатдошларимизнинг ҳам Янги ва Адолатли Қозоғистонни барпо этишдаги хизматлари диққатга сазовор.

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги доирасида ва ҚР «Дўстлик» ҳамжамиятининг 30 йиллик тўйи арафасида ушбу шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси Абдурахмон Зайнутдинов билан мулоқотда бўлиб, минтақада фаолият юритаётган ЎЭМБ ўтмишига назар ташладик. Сўхбатдошимиз серқирра, билимдон инсон – Абдурахмон Йўлдош ўғли 1955 йили Тароз шаҳрида таваллуд топган. Шаҳар мактабларида ўрта маълумот олган. Заводда, пойафзал фабрикасида фаолият юритган. Йигитлик бурчини ҳам ўтади. Аскарлик хизматидан қайтгач, Шимкент милиция мактабида, Алмати махсус милиция мактабида, шунингдек, Қарағанди Олий милиция мактабида таҳсил олган. Ал Форобий номидаги Алмати давлат миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

1986 йили қайта қуриш даврида 32 нафар фаолдан иборат ташаббускор гуруҳ Жамбил вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасига асос солди. Ўша жамоат бирлашмасини 1992 йилнинг май ойига қадар бошқарган ҳам Абдурахмон Зайнутдиновдир.

1989 йил апрель ойида СССР раҳбари М. С. Горбачёвнинг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Фармони чиқди. Ўшанда Жамбил шаҳар ЎЭМБ вилоят ижроқўмида рўйхатдан ўтган эди.

– Ўша ташаббускор гуруҳ фаоллари бирлашиб, ҳамжиҳатликда кўп оламшумул ва савоб ишларга бош-қош бўлди, – дея гапириб берди ЎЭМБ раиси. – Дастлаб, ўзбек маданият маркази тамал тошини қўйиш бош мақсадимиз эди. Бу ишни муваффақиятли амалга оширдик. Хайрия тадбирларини ўтказдик, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатдик. Ўша тадбирлар ҳўжжатлари, ҳисоботлари, фотосуратлари ҳали хануз мавжуд, сақланиб турибди. Ушбу ишларни амалга оширишда, албатта, отахонлар – дуоғўй қарияларнинг панду насиҳатлари, йўл-йўриқлари катта ёрдам берди. Фаол катталарнинг қўллови билан оқсоқоллар кенгаши тузилди, бу кенгаш келгусида ўзбек маданият марказининг устунига айланди. Хотин-қизлар кенгаши, ёшлар уюшмаси ҳам фаолиятини бошлади, мен ўзим ёшлар уюшмасига раҳнамолик қилдим. Дастлабки йиллардаги диққатга сазовор ишларимиздан шаҳар маҳалла квартакоми Мирза Миршарипов маслаҳати-кўрсатмасига асосан Ақромтўра Азиз ўғлини жамоат ташкилотига раис этиб тайинладик. У киши 90-йилгача раҳбарлик қилди. Ўша даврда менинг падари бузрукворим ҳам маҳалла оқсоқоли, оқсоқоллар кенгаши раиси эди. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг дуои фотиҳалари билан маҳалла кўмиталарини туздик. 1987-1988 йилларда Мирза Ўлмас ўғли раҳбарлигида дастлабкилардан бўлиб Наврўз байрамини нишонлашни йўлга қўйдик. У пайтда ушбу шодиёнани ҳеч ким ва ҳеч қаерда ўтказмас эди. Фурман кўчасидаги халқа йўлида байрамни юксак савияда нишонлашга ҳисса қўшдик, турли танловлар уюштирдик, ғолибларни муносиб тақдирладик.

1989 йили мен ҳуқуқ-тартибот идорасида фаолият юритаётган пайтим эди. Фарғона воқеалари туфайли ўша минтақада жиноят қидирув бўлими ходими сифатида хизмат кўрсатдик. Хуллас, Фарғонада тинчликни таъминладик, сўнг Қўқон шаҳрида, Яйпанда ҳам янги йилга қадар хизмат қилиб, она шахримга қайтиб келдим. Келган пайтимда корейслар ва немислар жамоат бирлашмасини тузиш тараддудида юришган экан. Мен зудлик билан ҳаракат қилиб, Жамбил вилоят ижроқўми қарори билан биринчилардан бўлиб ўзбек маданият марказини руйхатдан ўтказишга муваффақ бўлдим. Кейин, 1991 йил СССР барҳам топиб, Итти-

фоқдош Республикалар мустақилликка эришгач, 1992 йилдан эътиборан жамоат ташкилотлари Адлия бошқармасида рўйхатдан ўтадиган бўлди. Ўша даврда мен полиция ходими бўлганлигим туфайли қонунан жамоат ва партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга эмасдим. Бу ўша давр қонунига мувофиқ эди. Чунки куч ишлатар тизим ходимлари ҳар қандай сиёсий ва жамоат ташкилотларидан ташқарида бўлишлари даркор эди. Шу боис техника фанлари номзоди, до-

Тароз шаҳридаги муқаддас қадамжолар

АЙША БИБИ МАҚБАРАСИ...


Айша биби мақбараси XI-XII асрларга оид ажойиб меъморий ёдгорликдир. Нақшларининг гўзаллиги ва ранг-баранглиги буйича бошқа анъанавий ёдгорликлар орасида тенги йўқ.

Мақбара сайёҳларни нафақат ўзининг бетакрор меъморчилиги, балки Айша Биби ва ботир Қорахон ўртасидаги чексиз муҳаббат тарихи билан ҳам ўзига жалб этади.

Қозоғистонда 25 мингдан ортиқ тарихий ва маданий мерос обидалари мавжуд. Улар орасида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхати киритилганлари ҳам анчагина, шунингдек, 12 463таси республика ва маҳаллий аҳамиятга молик тарихий-маданий ёдгорлик мақомига эга.



ТЕКТУРМАСДА ДАФН ЭТИЛГАН ХОН



Тароз шаҳрининг жануби-шарқида, баланд тепалик атрофида Талас дарёси бўйида барпо этилган мақбара. Бу жойга Маҳмуд Хон дафн этилган. Мажмуа қурилиши VIII-XI асрларда бошланган бўлса-да, 1935 йилда бутунлай вайрон қилинган. Энди ўрта аср қиёфасини сақлаб қолган янги мақбара мавжуд. Баланд тепаликдаги мақбара олдида бутун шаҳарни томоша қилиш мумкин. X-XII асрларда бу жойда тош кўприк бўлган, у орқали карвон ўтган.

цент Эрмат Парпиев маданият марказига раислик қиладиган бўлди. У киши 3 йил ЎЭМБни бошқарди. Ўша даврда пул тўплаб, “Омад” телекўрсатувини йўлга қўйдик. Телекўрсатув ўз даврида жуда машҳур минбарга айланди. 1994 йили ёш, иқтидорли тадбиркор Ғофир Қосимовни ўзбек этномаданият бирлашмасига тақлиф этдик. Миллатдошлар бир ёқадан бош чиқарган ҳолда, Ғофир Осим ўғлини вилоят маслаҳати депутатлигига сайладик. Шунингдек,

1994 йилдан 2005 йилгача Ғофир Қосимов вилоят ўзбек этномаданият марказига раҳбарлик қилди. У кучли тадбиркор, ҳомий эди. Биз, атрофидагилар, унга яқин кўмакчи ва турли тадбирлар ташкил этишда ташаббускор эдик. Ғофир Осим ўғли фаолият юритган даврда Шимкент шаҳрига бориб Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Маҳаммадрасул Исоқов, унинг ёрдамчиси Абдуғаффор Абдураимов, Шуқурилло домла

Мухаммаджоновлар билан алоқада бўлдик. Қизилўрда шаҳри ЎЭМБ раиси Ашур Ҳамидовлар билан бамаслаҳат, режа асосида иш юритдик. Турли тадбирлар ўтказдик. Бироз вақт ўтгач, Алмати шаҳрида истиқомат қилувчи кучли сиёсатчи Бахтиёр Қодирбековни республика ўзбек ҳамжамияти раиси этиб сайладик. У ўша пайтда Республика буйича монополияга қарши кўмита раисининг ўринбосари сифатида фаолият юритар эди (1995-1996 йиллар). У кишини кейин шифокор Озод Тошпўлатов Республика ўзбекларининг ҳамжамиятига раҳнамолик қилди. Шимкентдаги ЖҚТУ ректори Бахтиёр Юнусов эса унинг ўринбосари этиб сайланган эди. Бироқ кўп вақт ўтмай, Озод Тошпўлатов юрак хасталиги туфайли оламдан

муовини Раҳматжон Абдусатторов кўп овоз билан «Дўстлик» ҳамжамияти раҳбари этиб сайланди. Р. Абдусатторов республика миқёсида Астана шаҳрида барча вилоятлардаги миллатдошларимиздан вакилларни тўплаб, оламшумул тантана ўтказа олди. Ушбу шодиёнага Парламент вакиллари, вазириликлар ходимлари, пойтахт шаҳардаги турли этномаданият бирлашмалари раисларининг ҳам ташриф буюриши тадбир аҳамиятининг нақадар юксаклигидан далолат эди. Ўша пайтда мен Астана шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасини ташкил этиб, унинг фаолиятини йўлга қўяётган эдим.

2005 йили Ғофир Қосимов “Дўстлик” ҳамжамиятининг раиси этиб сайланди. У ўз раислиги даврида имконияти доира-

ришимиз керак бўлган иккита катта вазифа турибди. У ҳам бўлса, “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари кунин” доирасида Шимкент шаҳар ўзбек драма театри жамоасини тақлиф этиб, халқимизга ажойиб саҳна асари ва концерт дастурини тақдим этиш. Иккинчи режамиз эса автобусда Тароз шаҳридаги Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзолари билан Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилиб қайтиш. Чунки биз ўзимизнинг анъаналаримиз, маданиятимизни, тилимиз, таомилларимизни Тароз шаҳрида яшаётган турфа миллат вакилларига кўз-кўз қила олишимиз керак. Шунингдек, ўзбек миллий қолғу асбоблари кўргазмасини ўтказиш ниятимиз ҳам бор. Бу тадбир тил байрами доирасида амалга оширилади.



ўтди. Бахтиёр Юнусов вақтинча раис вазифасини бажариб юрди. Кейин катта қурултой ўтиб, Рўзақул Холмуродов “Дўстлик” ҳамжамияти раислигига сайланди. Шунингдек, у ўша пайтда Парламент Мажлисининг депутати ҳам эди.

Ғ. Қосимов Жамбил вилоят ЎЭМБга раислик қиладиган пайтда вилоятларга, туманларга бориб турардик. Ўша даврда кўплаб миллатпарвар инсонлар билан танишдик. Жумладан, Туркистон шаҳрида сергайт журналист Шомирза Мадалиевни ҳам учратдим, унинг ийгилишларида муаммоларни дадил кўтариб чиққанига гувоҳ бўлганман. Рўзақул Сотиболди ўғлининг раислик мuddати тугагач, Сайрам туман ҳокимининг

сида, ҳамжамиятни муваффақиятли бошқарди. 2011 йилдан бугунги кунгача Икром Ҳошим-жонов “Дўстлик” ҳамжамиятига раислик қилмоқда.

2005 йили Ғ. Қосимов “Дўстлик”га раисликка сайлангач, Баҳром Мўминов Жамбил вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасини бошқарди. 2016 йили мен Тароз шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасини туздим. Унинг мақоми, ҳаракат ва фаолият доираси вилоят миқёсида бўлса-да, алоҳида – мустақил иш юритадиган бўлди. Бу йил кўкламда Б. Мўминов тўсатдан оламдан ўтди. Унинг ўрнига янги раис сайланди, – дейди Абдурахмон Зайнутдинов. – Тароз шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси олдида бу йил амалга оши-

Туркистон вилоятидан Тароз шаҳрига ташриф буюрган «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасининг бош муҳаррири Райимжон Алибов ва камина, Абдурахмон Йўлдош ўғли, тадбиркор Алишер Каримов раҳнамолигида шаҳарнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш, қўҳна Тароз шаҳарчасини томоша қилишга муваффақ бўлдик. Хуллас, гўзал Тароз шаҳридан олам-олам таассуротлар ила қайтдик.

Муроджон АБУБАКИРОВ,
журналист.
Туркистон-Шимкент-Тароз.

Тасвирларда: Тароз шаҳар ЎЭМБ раиси А. Зайнутдиновнинг шахсий архивидан олинган фотосуратлар.

Маориф, маданият ва матбуот

Туркистон шаҳар ЎЗМБ раиси Райимжон Қўчқоров, оқсоқоллар кенгаши раҳбари Тўлқин Саидмуродов, ўринбосари Ҳусан Убайдуллаев ҳамроҳлигида вилоят марказидаги маориф масканлари раҳбарлари ҳузурига ташриф буюриб, Қозоғистон халқи Ассамблеяси фаолияти доирасида ўтказиладиган тадбирлар, аъзолик бадаллари, мукофотларга тавсия этиш, бошланғич ЎЗМБ раҳбарларини тасдиқлаш ҳамда “Жанубий Қозоғистон” газетасига обуна масаларида мурожаат этдик. Шаҳар ЎЗМБ ҳомийлигида барча мактабларга муаллиф Илҳом Иброҳимовнинг “Унутилмас аждодлар тарихи” китоби, давлат ва ўзбек тилидаги ойнома ва рўзномалар ҳадя қилинди.



Вилоят миқёсида “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасида пешқадам, тажрибали устоз Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган 107 ёшдаги Ҳамза номли мактабда директор ўринбосари Баҳодир Исмоилов билан суҳбатлашдик. Ҳимматли ҳомийлар қаторида Р. Қўчқоров ушбу ўқув даргоҳининг янги тарих музейи қурилишига 100 минг тенгелик улуш қўшган. Таҳририят эса яқиндан ахбор

Мухаммадрасул Иззатуллаев раҳбарлик қилаётган Эргаш Иззатуллаев номли мактабда 85 устоз 730 ўқувчига таълим тарбия бермоқда. Яқин бир неча йил ичида ушбу ўқув даргоҳидан иккита янги мактаб жамоалари – бир неча юз ўқувчи ва ўнлаб ўқитувчилар ажралиб чиқди. Янги ўқув йилида тўртта биринчи синфлар ташкил этилди. Ўқувчилар сони муттасил кўпайиши билан мактабда яна ўнта янги

лан бунёд этилган яна бир ўқув даргоҳи – Дана Ақилбекова раҳбарлик қилаётган АРМАН-М SCHOOL мактабида директорнинг тарбия ишлари бўйича ўринбосари Гулмира Қодирова билан суҳбат чоғида бошланғич ЎЗМБ раислигига фаол устоз Саъдулла Шерметов тавсия этилиб, тасдиқланди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетов номидаги 20-сонли мактабда 2148 ўқувчи таҳсил



рий қўллов кўрсатди. Мактаб бошланғич ЎЗМБ раиси Элдор Рашидов ишни устози Ҳусан Убайдуллаевдан қабуллаган олган. Келажақда ишчан фаолият юритишига ишончимиз мўл.

Собир Раҳимов номли мактаб директори Рустамбек Алиевнинг иш кабинетида мактаб ЎЗМБ раиси Бахтиёр Тожиметов илгаригидек фаолиятини давом эттирадиганлиги таъкидланди. Мактаб ҳудудига яқин маҳалла-

синфхона бунёд этиш зарурияти сезилмоқда. Илгариги бир қаватли эски синф хоналарининг бузилган ўрнидаги ер майдони янги қурилиш учун етарли. Қурилиш давлат томонидан амалга оширилса, нур устига нур. Бошланғич ЎЗМБ фаолиятида устоз Феруза Анорбоеванинг саъй-ҳаракатлари бекиёс.

Тўлқин Маккамбоев раҳбарлик қилаётган, тадбиркорлар Тажибек Мусаев ва Ержан Мус-

олади. Ишчан раҳбар, тажрибали устоз Алтинбек Мўмбеков бошчилик қилаётганидан буён ўтган вақт ичида таъмирга муҳтож ўқув даргоҳи ҳовлисида 2600 квадрат метр майдонда брусчатка, коридорларга эса замонавий плиталар тўшалган. Ўқувчиларни иссиқ таом билан тўлиқ таъминлаш учун мактаб фойесида сифатли ошхона ташкил этилганлиги “Излаган имкон топади” мақолининг амалдаги



лар давлат эҳтиёжи учун бузилиб, аҳоли кўчганлигига қарамай, жорий ўқув йилида бешта биринчи синфлар ташкил этилган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан кўп юқори бўлиб, мактаб маъмурияти, устозлар ва ота-оналарнинг муштарак саъй-ҳаракатлари мевасидир.

Айдар Бўлатули раҳбарлик қилаётган Шароф Ниёзов номли мактаб директори ўринбосари Саидкарим Абдурашидов жорий ўқув йилида тўртта биринчи синф ташкил этилганлигини таъкидлади. Мактаб бошланғич ЎЗМБ раислигига С. Абдукаримовнинг ўзи лойиқ деб топилиди.

Алишер Навоий номли мактаб-гимназияси директори Ҳусан Диметов ушбу ўқув даргоҳи бошланғич ЎЗМБ раислигига шу соҳага қатор йиллар бадалида ҳисса қўшиб келаётган директор ўринбосари Умида Ғанибоева номзодини муносиб деб таъкидлади. 1200 ўқувчи таълим олаётган ушбу мактабда янги ўқув йилида тўртта биринчи синф ташкил этилган.



тафаевлар бунёд этган “Бирлик” мактабида бошланғич ЎЗМБ раиси фаолиятини тарих фани ўқитувчиси Рўзимухаммад Мубораков адо этмоқда. Мактаб раҳбари 457 ўқувчи таълим олаётган ўқув даргоҳида янги ўқув йилида учта биринчи синф фаолиятини бошлаганлигини маълум қилди. Шаҳар ЎЗМБ раиси Р. Қўчқоров ушбу мактаб жамоаси тадбирларда энг фаол иштирок этаётганлигини ифтихор билан таъкидлади.

Мустақиллик шарофати би-

ифодасидир. Барча қурилиш таъмирлаш ишлари мактаб жамоаси ойлик маошидан тежалган сармоялар ҳисобидан амалга оширилган экан. Баракалла, барака топин! Ишчан директори унинг ўринбосари, бошланғич ЎЗМБ раиси, фаол жамоатчи обуначимиз Абдуғаппар Маккамбоев билан бирга тасвирга олдим.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирларда: вилоят марказидаги таълим масканлари раҳбарлари ва ўринбосарлари.

Муаллиф суратга олган.

P.S: 200 нусха обунага масъул *ҳимматли ҳамюртимиз Райимжон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган шаҳар ЎЗМБ бошқаруви жамоат ишларида ва обунада фаол барча ҳимматли устозларни яқинлашиб келаётган муаллимлар байрами шодиёнаси билан муборақбод этиб, мустақкам саломатлик, саодат ва омад тилайди.*



»» Бугун – Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни

Нутқ одоби – маънавият мезони

Ҳар бир тил ўзининг халқи учун улуғдир.

Ч. АЙМАТОВ.

Ҳар бир халқнинг тили унинг ақлидроки, шуури, ахлоқий камолоти ва умуммаданиятини белгиловчи асосий мезонидир. Миллий тил халқнинг мавжудлиги, маданияти ва маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода тилга эҳтиром – миллатга, миллий маданиятга ҳурматдир. Дарҳақиқат, она тилида равон сўзлаш, унинг нозик қирраларини ҳис этиш инсонга иззат-обрў олиб келади. Тил инсон тафаккурининг маҳсули сифатида маданият, фикрий гўзаллик ва маънавий фазилатларни юзага чиқаради.

Сўз – муқаддас. У фақат эзгулик учун хизмат қилиши керак. Тўғри, ўрнида, вақтида айтилган ва ҳақиқатни илгари сурадиган сўз ҳамжихатликка хизмат қилади ва халқларни ўзаро яқинлаштиради.

Алишер Навоий бобомиз ёзган: *Сўздурки, нишон берур ўлиққа жондин, Сўздурки, берур жонга хабар жонондин. Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким суҳар шарифроқ йўқ ондин.* Она тилимиз қадимий ва бой.

Унинг маъно ва ифода имкониятларидан тўғри фойдаланиш нутқ маданиятини шакллантиради. Тил бамисоли шундай нафис бир мусиқий асбобки, оқилу олимлар қўлида ёқимли садо беради, беҳабар қўлида эса нохуш товушга айланади.

Нафосатсиз, эҳтироссиз ифодаланган сермазмун нутқ хунук қоғозга ўралган сифатсиз мевани эслатади.

Она тилига бефарқ қарайдиган киши ўз халқига, унинг асрлар оша ардоқлаб келаётган миллий маданиятига ҳурматсизлик қилган бўлади. Сўзлаш одоби инсоннинг шарафи ва ифтихори ҳисобланади. Бу борада Шарқнинг буюк алломаларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий қимматли фикрларни айтган. “Кимки сўзлаш одобиغا риоя қилмаса, у инсонийлик шарафидан бебаҳра қолади. Сўзлаш одобиغا, аввало, бемаврид гапирмаслик, лутф ила юмшоқлик билан сўзлаш, очиқ чеҳра билан афтини буриштирмай гапириш, эшитувчига малол келмайдиган тарзда сўзлаш, фақат фойдали гапларни гапириш, ўйлаб, андиша билан сўзлаш, кишилар гапирётганда орага гап қўшмаслик, сўзини бўлмаслик, кўп гапирмаслик кабилар қиради”, дейди буюк аллома.

Баъзилар: “Иложи бўлса анжуманда гапирмай, сукут қилганлар оқил ҳисобланади”, дейдилар, лекин ўрни келганда ақлу одоб билан фойдали фикр айтилгани маъқул, чунки оқиллар билан суҳбат инсон учун ҳам ором, ҳам ақлий камолот омилдир.

Сўзлаш ҳам, тинглаш ҳам жуда улкан масъулият ва маданиятни талаб қилувчи инсоний фазилатлардир. Агар инсон яхши сўзласа-ю, тинглашни билмаса ёхуд тингласа-ю, сўзлаёлмаса, бу ҳам маънавий ноқислик аломатидир. Суҳбатдош сўзини диққат-этибор билан, хайрихоҳлик, ҳамдардлик ва ҳамрозлик билан тинглаган маъқул.

Ривоят қилишларича, Амир Темури туш кўрибди. Тушида унинг ҳамма тишлари тушиб, фақат биттагина курак тиши қолибди. Шунда Соҳибқирон вазирининг туши таъбирини сўрабди. Вазири: “Ҳазратим яқинда барча яқинларингиз ўлиб, яққа ўзингиз қолар экансиз”, дебди. Вазирнинг гапидан даҳшатга тушган Соҳибқирон уни зиндонга ташлабди. Бошқа аъёнларидан тушининг таъбирини айтишни талаб қилибди. Уларнинг ичида бир донишманди бор экан. У: “Ҳазратим, сиз барча яқинларингизга қараганда кўпроқ умр кўрар экансиз”, дебди. Қарангки, бир хил маъно берадиган жумлани икки хил етказишдаги донолик ва нодонлиқнинг намоён бўлишини. Зеро, халқ мақолида: “Инсонни инсон қиладиган ҳам, яқсон қиладиган ҳам сўз”, дея бежиз айтилмаган экан-да.

Инсонга сўздан ортиқ таъсир қиладиган восита йўқ. Чунки инсон онги, ҳислари, туйғулари сезгилари таранг тортилган рубоб торларига ўхшади. Ундан оҳанрабо куй чиқариш моҳир созандага боғлиқ. Сиз инсонга сўз орқали таъсир қилиб, уни кулдиришингиз ёки йиғлатишингиз, уни ўзингизга дўст этишингиз ёки рақибга айлантиришингиз мумкин. Лекин, афсуски, сўзнинг бу қудратли қучига ҳамма ҳам етарли эътибор беравермайди.

Бир даврада катта-кичик турли ёшдаги одамлар ўтирган эдик. Ёши улуғлар тўрдан жой олишган. Бир пайт ош тортилди. Ҳалиги ёши улуғлардан бири ошдан бир суқум олди-да, хонадон эгасидан ошпазингиз ким эди, деб сўраб қолди. Жавоб олгач, шу одам ошпаз бўлганидан буён бирор марта дурустроқ ош дамлаганини эслай олмаيمان, дея лаганини ўзидан нарироққа суриб қўйди. Табиийки, иштаҳа бўғилди. Хонадон соҳибининг

юрагига бу қаттиқ ботди. Энди шу одам ош еб бўлингунга қадар индамай турса бўлар эди-ку! Навоий бобомиз:

Чун синса кўнгул забон оғриғидин, Кам эрмас онинг оғриғи жон оғриғидин, дея шундай ношуд инсонлар ҳақида айтган бўлса не ажаб.

“Дона одам тилидан чиқаётган ҳар бир сўзига эҳтиёт бўлмоғи шарт. Чунки биттагина сўз уни маънили одам мартабасига кўтариши ёки жоҳиллик ботқоғига ботириб қўйиши мумкин” (Тоҳир Малик. “Инсонлашиш умиди” китоби).

Нутқ маданияти, сўзлаш одоби жуда катта ва кенг соҳадир. У кишиларнинг кундалик муомаласидаги оддий саломлашишдан тортиб, кимга нимани, қачон, қаерда ва қандай сўзлашишгача бўлган барча нутқий жараёнларни ўз ичига олади.

Ота-боболаримиз, она-момоларимиз ўзаро бир-бирларига бош фарзандларининг исмлари билан мурожаат этишган. Суҳбатларида эрим, хотиним сўзлари ўрнига турмуш ўртоғим, рафиқам, аҳли аёлим, ёстиқдошим, болаларимнинг отаси, онаси каби сўзлар ишлатилади.

Ўлим воқеаси инсон учун оғир мусибат. Шу нуктаи назардан нутқда ўлди сўзини ишлатиш ноқулай. Бу сўзнинг маъносини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади: вафот этди, қа-зо қилди, ҳалок бўлди, ўтиб қолди, омонатини топишди, фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилди, юраги уришдан тўхтади, оламдан ўтди.

Ўзбек халқи – оғзаки ижодга бой.

Халқ нутқ, сўзлаш одоби ҳақида мақол ва маталлар, ривоят ва афсоналар, топишмоқ ва тез айтишлар, аския ва сўз ўйинлари, қўшиқ ва шеърлар яратганлар. Масалан:

*Тилингда бўлса болинг,
Кулиб турар ўқболинг.
Сўзинг бўлмаса майин,
Маъноси бўлмас тайин.*

*Илиқ сўздан дилинг яйрар,
Ноҳақ сўз-чи, тилинг қайрар.
Сўздан сўзининг фарқи бор,
Ўттиз икки нархи бор.*

Олимпаримизнинг тадқиқотларига кўра, “Ҳа” сўзини айтмоқнинг эллик услуби, “Йўқ” деган сўзни айтмоқнинг эса беш юз услуби бор экан. Бу иккала сўзнинг ёзилиш услуби эса битта, холос (Бернард Шоу).

Ширинсуханлик ҳақида. Ўзбекистон халқ хофизии Ориф Алимахсумов анча йиллар Ўзбекистон телевидениесининг “Оталар сўзи, ақлнинг кўзи” дастурини олиб борган. Барчамиз отахоннинг сўзларини жону дилимиз билан тинглав ва ҳавас қилардик. Бир кун бир журналист ундан мусохаба олиб, унга чиройли сўзлаш, нутқ одобини қандай ўрганганлигини сўраб қолди. Шунда ҳурматли хофизимиз: мен бадиий адабиётларни кўп ўқийман. Айниқса, “Ўткан кунлар”ни такрор-такрор мутолаа қиламан ва ҳар ўқиганимда ундан ўзимга кўп нарсалар оламан, деди. Демак, оммани китобхонликка тарғибот қилишнинг аҳамияти юксак экан. Фарзандларимизни китобхонликка тарбиялайлик.

Она тилини севмаган одамда ўзи туғилиб ўсган заминга, аждодларимиз минг йиллар давомида яратган буюк маданий меросга, ота-онага, жамиятга хизмат қила оладиган ажойиб урф-одатларимизга муҳаббат бўлармикан?

Ҳар бир инсоннинг маданиятлик даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги унинг оғзаки ва ёзма нутқда билинади. Аллоҳнинг бизга берган энг улуғ неъматларидан бири тилимиздир. Ундан оқилона фойдалансак, бошимизга бахту иқбол қўнади, еқ холда, ташвишу таҳлика келтиради. Туғилиб ўсган отамаконимизда она тилимизни ривожлантириш учун шароитлар яратилган экан, ундан барча имкониятларимизни сафарбар этиб фойдаланайлик ҳамда фарзандларимизни ҳам чиройли сўзлашга, нутқ одобиغا ўргатайлик. Бу бизнинг ўзлгимизни англашдан, миллий маънавиятимизнинг юксаклигидан, тилимизнинг нафислигидан, гўзаллигидан ва бойлигидан дарак бериб турсин.

Бегмат ТУРДИҚУЛОВ,
нафақадаги устоз.

Ақида ЎРМОНОВА,
ўзбек тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси.

»» Шеърят гулшанида

Балиқлар арзи

Мавжудотлар ичида,
Энг доноси дер одам.
Қўрмадик биз рўшнолик,
Қаловатсиз ўтар дам.

Қачон боқма, улардан,
Чекканимиз ҳўб озор.
Эркин сузиб юришга,
Бўлиб қолдик бу кун зор.

Безиллайди зир юрак,
Қар қадамда тўр, қармоқ,
Лоқайд қолсанг, ҳар хўрак
Бўлиб чиқар бир тузоқ.

Дарё, кўлга ток қўяр,
Кетмоқдамиз қирилиб.
Нобуд бўлган уруғлар,
Қайтмас асло тирилиб.

Йиғиб олсин эс-хушин,
Донолигин кўрсатсин.
Қиргин-барот қилмасдан,
Адолатни ўрнатсин.

Шум одатдан воз кечиб,
Хўшёр бўлсин ҳар ишда.
Арз қилсак Аллоҳга,
Сўнг қолади ташвишда.

Нобуд бўлсак барчамиз,
Ўзи қолар озиксиз.
Яратсин-да шароит,
Қўлайлик тўсиқсиз.



Гўзалларнинг гўзали

Қўриб раққоса қизни,
Қолдим узолмай кўзни.
Ишқим этмоққа изҳор
Топмай қолдим-а сўзни.

Қолмас Зухродан чирой,
Дейсан фаришта, ҳур ой.
Етмас таърифга сўзим,
Ой ҳам қошида дер «Вой!».

Истаб васлини шул дам,
Юрдим изидан илдам
Тутқич бермади, афсус,
Қолди муродим мулзам.

Жоду қилдими, сеҳр?
Ёхуд эритди меҳр...
Гўё учди-ю, кетди,
Қучиб бамисли наҳр.

Қолди орзулар дилда,
Ширин сўзларим тилда.
Экан, қадрига етгил,
Бахтинг борида қўлда.

Яссавийга таъзим

Қазрат Яссавийга бўлганча интиқ,
Зийрат этишга келибсиз, меҳмон.
Қутлуғ истагиниз рўёби аниқ,
Муродга етасиз, завқ олиб шодон.

Айтайин мен сизга ҳикоя шингил,
Қазрат ҳаётидан айлайин баён.
Зийратдан, албат, тўлади кўнгул,
Ул зотнинг қисмати бўлганда аён.

Қадим бир минг бир юз учинчи йили,
Яссавий бобомиз дунёга келмиш.
Тўрт юз йил аввалроқ Аллоҳ расули
Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар
Ғойибдан билмиш.

Бухоройи шариф тузини тотмиш,
Ҳамодоний устоз бермишдир таълим.
Вақт ўтиб устозин қазоси етмиш,
Ўрнин босиб бироз эрмиш муаллим.

Рақиблар бўҳтони етганда шоҳга,
Оқ-қора ажратмай, буюрмиш дарҳол,
Тўрт юзта дарраси қулатар чоҳга,
Фаришталар кўксин тутмишлар алҳол.

Танасига тушмай бирорта ҳам доғ,
Бобомиз қадларин тикламиш соғлом.
Бул ажиб ҳолни кўрганлари чоғ,
Ҳайратда қолмишдир бор гувоҳ – авом.

Айтсак, талай эрур ровийлар арзин,
Бомдод суннатини ўқигаҳ, албат,
Кўздан ғойиб бўлар, намознинг фарзин,
Адо этар экан Маккада ҳазрат.

Бир кун пахтага лағча чўғ ўраб,
Ул шоҳга йўллади ғаройиб инъом.
Гуноҳин англагач, кечирим сўраб,
Муридлик йўлига тушди шоҳ тамом.

Туркистон султонин таралди шони,
Закийлиги етди барча туркийга.
Яссидан топмиш ул муқим маконин,
Устоз бўлмиш унда аҳли закийга.

Эрназар РЎЗИМАТОВ.



Шоҳдайт

“ХАЛҚ АРО ЯХШИРОҚ,
ДЕДИНГ, КИМДУР?
ЭШИТИБ, АЙЛА ШУБҲА
РАФЪ АНДИН.
ЯХШИРОҚ БИЛ АНИ УЛУС АРОКИМ,
ЕТСА КЎПРАК УЛУСҚА НАФЪ АНДИН”.
Алишер НАВОЙИ.

(Мазмуни: “Одамлар ичида яхшироғи ким деб сўрадинг.
Сўзимни эшитиб, шубҳалардан халос бўл: одамларга фойда-
си кўпроқ тегадиган кишиларни одамларнинг яхшироғи деб
бил”).

Дўстингдан бир жафо келганда унинг
минг марта вафо қилганини унутма. Чун-
ки яхшилик гуноҳ олдида шафоатчи каби-
дир.

Жалолиддин РУМИЙ.



АБУЛФАРАЖ

МАСАЛ

Бир эчки баланд
томга чиқиб олиб, ҳа-
деб бўрини ёмонлаб
сўкарди. Бўри анча
вақт қулоқ солиб тур-
гач, деди:

– Бу мардонавор
сўзларни сен эмас, оё-
ғинг остидаги том
гапираяпти, эчки.

“Ҳикматлар ва
ҳикоятлар” китоби.

ДОНИШМАНДЛАР ЎГИТИ


Бир аёл Суқротга
деди:

– Қанчалар хунук-
сан-а?

Суқрот пинагини
бузмай, жавоб қилди:

– Қийишқ ойна тўғ-
ри нарсани ҳам қингир
кўрсатади.

Мағрибу машриқ ҳикматлари



Ақли қис-
қанинг тили
узун бўлади.

АРИСТОФАН.

Қар бир қисига
синамасдан, бил-
масдан дўст-
лик қилмак,
сир айтмак зўр
ақлсизликдир.



Абдулла
АВЛОНИЙ.

КУН ҲИКМАТИ



Ҳаётда ҳақи-
қий бир дўстни
топиш – кат-
та ютуқ, икки
дўстни топиш
– жуда ҳам кат-
та ютуқ, учта
дўстни топиш
– амалга ош-
майдиган иш.

Жон АДАМАС,
собиқ АҚШ
президенти.



ҲАССОС АДИБ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКМАТЛАРИ

- Халқнинг қалбига узоқдан қўл
солиб бўлмайди, қўл солиш учун
унинг олдида бориш керак.
- Юртни обод қилман, деган
киши ўзи обод бўлади.
- Урушда вайрон бўлган имо-
ратни тиклаш осон, лекин мустамлакачилик қўл-оёғини
боғлаб, тақдир ҳукмига топширган одамни бу фалокатдан
халос қилиш қийинроқ!

● Халқнинг кўзи боғланса, қулоғига кўргошин қуйилса,
тақдир ҳукми ўлимдек ҳақ, деган ақидани унинг зеҳнига
синдириш осонроқ бўлади.

● Ҳамма жойда бир нарса кўзга ташланиб туради: ба-
ланд даражали тўқ одам бор, тубанларнинг тубани оч
одам бор. Ҳамма нарса тўқ одамларники, ҳамма оч одам-
лар мана шу тўқларнинг ишини қилиш учунгина яшайди,
яшайди эмас, тупроқдан ташқарида умр кўради.

»» Табобат



Қаҳвага сариёғ
қўшиб ичганмисиз?
Йўқ бўлса, бир марта
синаб кўринг!

Фойдалари:

- Сариёғ қўшилган қаҳва саратон хавфини 50 фоизга,
2-тоифа қандли диабет хавфини 7 фоизга камайтиради,
оғиздан ёқимсиз ҳид келтириб чиқарувчи бактериялар-
нинг ривожига тўсқинлик қилади.
- Сариёғ қўшилган қаҳва мия фаолиятининг мукаммал-
лигига ёрдам беради.

Танадаги ёғни эритиб,
вазн ташлаш учун
КИВИ коктейли

Таркиби:

- Киви - 1 дона
- Лимон - 10 г
- Ялпиз - 15 г
- Кашнич - 10 г
- Сув - 100 мл
- Асал - таъбга қараб.



Тайёрланиши:

Киви тоза ва кичик бў-
лакларга ажратилади. Сўнг
блендерга жойлаштирилиб,
Кивиға лимон, гиёҳлар ва сув
қўшинг, яхшилаб аралашти-
ринг. Тайёрлангандан сўнг
дарҳол истеъмол қилинг. На-
тижаси узоқ куттирмайди.

Оила - ҳамиятнинг мустахкам пойдевори



“Оила – ҳаётнинг ол-
тин таянчи” деган сўзлар
бежиз айтилмаган. Зеро,
оила инсонга куч-қув-
ват бағишлайди, меҳр ва
бирдамлик орқали ҳар
бир хонадонни нурли ва
баракали қилади.

Шундай меҳр-муҳаббат
ва ҳамжиҳатликка тўла хо-
надонлардан бири – Маз-
ибаевлар оиласидир. Оила
раҳбари – Шерзод Маз-
ибаев Сайрам тумани, Қора-
мурт қишлоғида туғилган.
Кўп йиллардан буён электр
соҳасида ҳалол меҳнат
қилиб, оила тебратмоқда.

Шу билан бирга, у нафақат
ишончли турмуш ўртоқ,
балки меҳрибон ота ва
ажойиб таомлар тайёр-
ловчи маҳоратли ошпаз
ҳамдир.

Жуфти ҳалоли Муно-
жат Мазибоева 2005 йи-
ли ЖҚПУнинг филология
факультетини тамомлаб,
“Қозоқ тили ва адабиёти”
мутахассислигини олган.
2007 йилдан буён Панфи-
лов номи мактабда муал-
лима. У турли танловларда
фаол иштирок этиб, кўплаб
диплом ва ташаккурнома-
ларга сазовор бўлган.

Улар икки қиз ва бир
ўғилни вояга етказмоқда.
Юлдуз – билимга чанқоқ,
мактабни аъло баҳолар
билан битириб, ҳозир ЖҚ-
ПУнинг 3-босқич талабаси,
Салимбек – 57-сонли мак-
табнинг 11-синф ўқувчиси.
Зебо – 8-синфда ўқийди.
Ушбу оила ўз меҳнати,
бирдамлиги, билимга инти-
лиши ва самимий муҳабба-
ти билан ҳамқишлоқларига
ўрнат.

Нигора РЎЗАҚУЛОВА,
Низомобод қишлоқ
кутубхоначиси.

»» Ойнома

Юртимизга мезон кириб келмоқда

МЕЗОН – ЎЗБЕКЧА – ТАРОЗИ, ФОРСЧА – ТАРОЗУ,
РУСЧА – ВЕСЫ, АРАБЧА – МЕЗОН.
МУДДАТИ 22 СЕНТЯБРДАН 20 ОКТЯБРГАЧА, 29 КУН.
ШУ МУДДАТ ОРАЛИҒИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР
БУРЖ ҲИСОБИДА МЕЗОНДИР

Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби-
га кўра, мезон буржи бодийнинг
(яъни, куз) биринчи ойи сана-
дади. Эрта саҳар тонг қоронғу-
сида само ёриткичларига нигоҳ
ташласангиз, Қуёш йўлининг
180-210 даражаларида турувчи
Тарози юлдузлар туркуми ос-
мон гумбазининг қоқ ўртасида
чарақлаб туради. Мезон дохил
бўлган пайтда кеча билан кун-
дуз тенг – 12 соатдан бўлади.

Ой давомида ўртача ҳарорат
16-20 даражани ташкил этади.
Баъзи йилларда табиат бу қои-
дага ўзгартишлар киритиши,
яъни, ҳаво анча иссиқ ёки ак-
синча, совуқ кечиши ҳам мум-
кин. Умуман, мезонни ёз билан
қиш ўртасидаги аросат дейиш-
ган қадимгилар.

МЕЗОН кириши билан та-
биат оламида ўзига хос ўзга-
ришлар юз бера бошлайди.

Вақти-вақти билан
осмонда ипаксимон
оппоқ толалар уча бош-
лайди. Мезон пахтаси, толаси
дейишади уни халқимиз.

МЕЗОН шамоли ва офто-
бида айниқса, ҳикмат кўп. Шу
боис тадбиркор деҳқонлар тао-
милга кўра, қишга сақланади-
ган олма, нок, нашивати, анор ва
бошқа меваларни, ошқовоқ ва
қовун-тарвузларни мезон ша-



моли эсгандан сўнггина йиғиб
олишади.

МЕЗОНда кун ва тун тенг-
лашган паллада юртимизда
ҳосил байрами кенг нишонла-
нади.

Ҳайрулла ҚОСИМОВ,
“Фасллар ҳосияти” китоби.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-91
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳақида далилларнинг тўғрилиши учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
КЗ34VРУ0022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-press” МЧБ босмахонасида chop этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нуска.

Бурим:
2146.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.